

| № | 29.03.2021 умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар бўйича овоз бериш яқунлари |
|----|---|
| 1 | Жамият бошқарувининг 2020 йил якуни бўйича жамият молия – хўжалик фаолияти юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин |
| 2 | Жамият ижро органи аъзоларининг 2020 - йилдаги йиғилиш баёнлари ва қарорлари тасдиқлансин |
| 3 | Бошқарув раиси лавозимига Рўзматов Анваржон Қўшмаматович билан кузатув кенгаши ўртасида акциядорларнинг 2021 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишига қадар «Фарғонадонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг Бошқаруви раислигига меҳнат шартномаси тузилсин ва ижро органи аъзолари билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш ҳуқуқи берилсин |
| 4 | Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин |
| 5 | Жамиятнинг 2020 йил молия - хўжалик фаолияти бўйича тафтиш комиссияси ва ички аудит ҳисоботимаълумот учун қабул қилинсин |
| 6 | Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин |
| 7 | 2020 йил якуни бўйича «ТТТ-Аудит» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулосаси маълумот учун қабул қилинсин |
| 8 | 2021 йил учун аудиторлик текширувига «ТТТ-Аудит» МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унга тўланадиган хизмат ҳаққи миқдори 13,0 млн. сўм қилиб белгилансин |
| 9 | «Фарғонадонмахсулотлари» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзолари юқоридаги таркибда тасдиқлансин |
| 10 | «Фарғонадонмахсулотлари» акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг 2020 йил яқунлари фаолияти бўйича ҳисоботи қониқарли деб топилсин, ҳамда ушбу комиссиянинг 2021 йил учун янги таркиби қуйидагича тасдиқлансин. т/р Фамилия, исми ва шарифи Лавозими 1 Собиров Ботир Зокирович Фарғона туман «Чимён» санаторияси бош ҳисобчиси 2 Ахматшаев Собитхон Муҳаммадаминович «Ишонч» ЛТД депозитарияси мутахассиси 3 Исмоилов Акрамжон Хошимович «Ўздонмахсулот» АК дон ва уруғлик тайёрлаш ва сақлашни |

| | |
|----|--|
| | ташқил этиш бўлими етакси мухандис Жамият тафтишчилари Б.Собиров, С. Ахматшаев, А. Исмоиловларга; - жамият тафтишчиси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 107-моддаси ва «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом талаблари асосида амалга оширсин ҳамда ҳар чоракда ва йил якуни бўйича акциядорлар умумий йиғилишида ҳисобот бериб борсин |
| 11 | Жамият фаолиятининг 2020 йилдаги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда 21 млрд. 152 млн. 359,0 минг сўм соф фойдасини: -5 фоизи (1 млрд. 057 млн. 617 минг 945 сўм)ни жамият захира фондига. -74,53 фоизи (15 млрд. 765 млн. 647 минг 752 сўм)ни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24-сонли Қарорига асосан жамиятнинг Инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш яъни ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантиришга; - 10 фоизи (2 млрд. 116 млн. 258 минг 700 сўм)ни эса «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддасига асосан акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсин. Ҳар бир имтиёзли акцияларнинг бир донаси учун (жамият низомида акция номинал қийматининг 25-фоиз миқдоридан тўлаш белгиланган) 75,00 сўмдан жами 275 минг 700 сўм ҳамда ҳар бир оддий акциялар учун 1000,00 сўмдан жами 2 млрд. 116 млн. 258 минг 700 сўм дивиденд тўловлари тўғри келаётганлиги ва бу қонунда белгиланган (2021 йил 9 мартдан 2021 йил 9 майгача) муддатларда амалга оширилсин. -1,92 фоиз (406 млн. 125 минг. 300 сўм)ни 2019 йил 23 март кунги акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган Жамият «Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида» ги Низомнинг 2-боб 14-бандига асосан белгиланган миқдорда ажратилган маблағ; -1,25 фоиз (264 млн. 404 минг. 486 сўм) Жамиятнинг «Ижро органи тўғрисида»ги Низомининг 7-боб 7,5-бандига белгиланган йиллик мукофот тўлаш тартибига асосан ажратилган маблағ; -0,2 фоиз (42 млн. 304 минг. 717 сўм) миқдоридан Касаба кўмитаси фондига ажратма; -7,9 фоиз (1 млрд. 500 млн сўм) Жамият ишчи ходимларини 2020 йилда уюшқоқлик билан олиб борган меҳнатларини мукофотлаш учун ажратма: Дивидендлар 2021 йил 8 апрелдан 2021 йил 8 июнгача бўлган муддатда тўлансин. Йил якуни бўйича фойданинг тақсимоти ва дивидентларни ўз вақтида тўлаш маъсулияти жамият бош ҳисобчиси И.Тошпўлатовга юклатилсин |
| 12 | Жамият бошқарув раисининг 2021 йил учун бизнес-режасини ва жамият фаолиятининг асосий йўналиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегияси тасдиқлансин |
| 13 | 2021 йил учун харажатлар сметасини тасдиқлансин |

| | |
|----|---|
| 14 | Корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2020 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив фаолиятни баҳолаш юзасидан берилган хулосаси маълумот учун қабул қилинсин |
| 15 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ4426-сонли қарори талабларига мувофиқ бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг эшитилган ҳисоботи маъқуллансин |
| 16 | Жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларининг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланиши тўғрисида ташқи аудит юзасидан берилган хулосаси маълумот учун қабул қилинсин |
| 17 | Давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тугатилган юридик шахсларнинг кўп йиллардан буён корхона олдида ундирилмасдан келинаётган умидсиз, муддати ўтган дебитор қарздорликларини (юридик шахс тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатларга асосан) балансдан чиқаришга ҳуқуқий асосларни тайёрлаб, жамлаш ишларни амалга ошириш ички аудиторлик хизмати, бош ҳисобчи ва ҳуқуқшунос зиммасига юклатилсин |
| 18 | Жамият балансида улуши бўлган нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналаридан ташқари барча турдаги фойданалмай турган корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотлар қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш учун ўрганиб чиқилсин ва кузатув кенгашига тақлиф киритилсин |